



2018 у.г. « 12 » январь

№ 14-К

Samarqand sh., – г. Самарканд

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**

**“Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида”ги 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3466-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3466-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида” 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3466-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда - КСЗ)да қатнашувчи ташкилотлар, шу жумладан, янги барпо этилаётган ташкилотлар хўжалик юритувчи субъектни КСЗ ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва фойда солиғи тўлашдан, шунингдек, ягона солиқ тўлови (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланаётган субъектлар учун) тўлашдан икки йил муддатга озод қилинганлиги.;

Ушбу бандда назарда тутилган имтиёзлар КСЗ қатнашчилари томонидан иловага\* мувофиқ ҳажмда инвестициялар киритиш шарти билан тақдим этилиши;

агарда КСЗ қатнашчисининг йиллик тушуми мазкур қарорнинг иловасида назарда тутилган ҳажмдан камроқни ташкил этган ҳолларда, шунингдек, иш ўринлари сони тасдиқланган бизнес-режаларнинг параметрларига мос

келмаганда ушбу бандда кўзда тутилган имтиёзлар бекор қилиниши ҳамда тегишли ҳисобот йили учун уларни тўлаш мажбуриятлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда қайта тикланиши;

ушбу бандда назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30 фоизи экспортга сотилган тақдирда кўшимча равишда икки йилга узайтирилиши белгилаб қўйилганлиги.;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштириши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (З.Норқўзиев), Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (Ш.Юлдашев) КСЗ ҳудудларида жойлаштириладиган тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзларни улар эътиборига етказиш мақсадида жойларда семинар учрашувлари, давра суҳбатлари ҳамда вилоят оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этсинлар.

4. Вилоят Марказий банк Бош бошқармаси (Қ.Собиров)га вилоят тижорат банклари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши (Р. Қобилов) билан биргаликда КСЗ ҳудудларида ўз иш фаолиятини бошлаётган ёш тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамга қолдираман.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Джураев**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**  
**3а-НАЗОРАТ КАРТОЧКАСИ**

Рўйхатга олиш санаси

12.01.2018.

Карточка рақами 13

Рўйхатдан ўтказиш рақами

№ 14-Қ

**Ҳужжатнинг номи: САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида"ги 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3466-сонли қарори ҳақида

2018 йил 12 январ даги № 14-Қ -сонли

№ 3. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси КСЗ хуудларида жойлаштириладиган тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзларни улар эътиборига етказиш мақсадида жойларда семинар учрашувлари, давра суҳбатлари ҳамда вилоят оммавий ахборот воситаларида чиқишлар ташкил этсинлар.

№ 4. Вилоят Марказий банк Бош бошқармасига вилоят тижорат банклари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши билан биргаликда КСЗ хуудларида ўз иш фаолиятини бошлаётган ёш тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Масъул ижрочи:

Ш. Дуланов

Ижр. муддати

Имзо

Доимий

**Ҳужжатларни бериш:**

Т/р	Ҳужжатни олган шахснинг Ф.И.Ш.	Имзо	Сана	Вақти
1.	Ш.Худойбердиев - вилоят хокимининг I ўринбосари			
2.	Ахборот-тахлил гуруҳи			
3.	Ташкилий-назорат гуруҳи			
4.				
5.				

а 14, 12. 01 18

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил .. 9 - январь

№ ПҚ-3466

.. - .. 20 .. г.

**Тадбиркорлик субъектларини кичик саноат зоналарига жалб этиш  
учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида**

Янги ракобатдош ишлаб чиқаришлар ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни кичик саноат зоналарига жалб этиш учун қўшимча шарт-шароитларни шакллантириш, шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида:

1. Кичик саноат зоналари (кейинги ўринларда – КСЗ)да катшанувчи ташкилотлар, шу жумладан, янги барпо этилаётган ташкилотлар хўжалик юритувчи субъектни КСЗ худудида жойлаштириш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ва фойда солиғи тўлашдан, шунингдек, ягона солиқ тўлови (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланаётган субъектлар учун) тўлашдан икки йил муддатга озод қилинсин.

Белгилансинки:

ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган имтиёзлар КСЗ катнашчилари томонидан иловага\* мувофиқ ҳажмда инвестициялар киритиш шarti билан тақдим этилади:

агарда КСЗ катнашчисининг йиллик тушуми мазкур қарорнинг иловасида назарда тутилган ҳажмдан камроқни ташкил этган ҳолларда, шунингдек, иш ўринлари сони тасдиқланган бизнес-режаларнинг параметрларига мос келмаганда ушбу банднинг биринчи хатбошида кўзда тутилган имтиёзлар бекор қилинади ҳамда тегишли ҳисобот йили учун уларни тўлаш мажбуриятлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда қайта тикланади;


ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиши ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида

30 фоизи экспортга сотилган тақдирда кўшимча равишда икки йилга узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда илгари қабул килинган норматив-хуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри